

2001-yil fevral oyidan  
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

# BUXORO YOSHLARI

2024-YIL,  
AVGUST, № 16-17  
(526-527)

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy



## МЕН ВАТАН, ДЕБ ЙЎЛГА ТУШДИМ

Мен Ватан, деб йўлга тушдим, юртим,  
сени жондан ортиқ кўраман, деб йўлга  
тушдим. Сен отамсан, сен волидам,  
ўғлим яйраб ўсган далам, сен қай томон  
йўллар бўлсанг, бораман, деб йўлга  
тушдим.

Мен Ватан, деб йўлга тушдим, жон  
Ватан, деб йўлга тушдим, сен йўл бошла,  
сенга қурбон жон ва тан, деб йўлга  
тушдим. Ота уйдан ортиқ кўрдим Тошкент  
билан Бухорони, қизғонаман сени, Хива,  
Самарқанд, деб йўлга тушдим. Мен Ватан,  
деб йўлга тушдим, шул чаман, деб йўлга  
тушдим, йўлим тўсса қаймбир нокас –  
янчаман, деб йўлга тушдим. Она бўлиб

кўз ёшимни артган жондан азиз юртим,  
тиканингни юрагимга санчаман, деб йўлга  
тушдим.

Ватан, деб йўлга тушдим, жон Ватан, деб  
йўлга тушдим, қон силқиган йиллар бағрин  
титаман, деб йўлга тушдим. Момо дедим,  
бобо дедим Тўмарису мард Широқни,  
ёв йўлига юрагимни тутаман, деб йўлга  
тушдим.

Мен Ватан, деб йўлга тушдим, хур Ватан,  
деб йўлга тушдим, баҳор янглиғ юрагимга  
кир, Ватан, деб йўлга тушдим. Пешонамда  
Бухорийнинг нур таратган иссиқ кафти,  
кўксим узра иймон қасрин қур, Ватан, деб  
йўлга тушдим.

Мен Ватан, деб йўлга тушдим, мен  
Ватан, деб йўлга тушдим, Чўлпон менга  
битган хатни топаман, деб йўлга тушдим.  
Кўзга сурай, дея чопдим Қодирийнинг  
сўнгаларин, кўкси гирён Усмон хокин  
ўпаман, деб йўлга тушдим.

Мен Ватан, деб йўлга тушдим, хур чаман,  
деб йўлга тушдим, сен истасанг, осмонларга  
учаман, деб йўлга тушдим. Асли менинг  
волидамдир – қўли қадоқ оналаринг, оқ  
сочларин силаб, маҳкам қучаман, деб йўлга  
тушдим.

Мен Ватан, деб йўлга тушдим, гулчаман,  
деб йўлга тушдим, ёзда – сахро, қишда  
– қоринг кечаман, деб йўлга тушдим.

Йиғлаб турган охуларинг – менинг маънос  
сингилларим, улар ютган оғуни мен ичаман,  
деб йўлга тушдим.

Мен Ватан, деб йўлга тушдим, жон  
Ватан, деб йўлга тушдим, синовларинг,  
довонларинг менга тан, деб йўлга тушдим.  
Дунё асли бир кам дерлар, бўлса агар каму  
кўстинг, ўшал ерга азиз жонни тикаман, деб  
йўлга тушдим.

Мен Ватан, деб йўлга тушдим, бол Ватан,  
деб йўлга тушдим, саҳроси гул, гунчалари  
ол Ватан, деб йўлга тушдим. Бир лаҳзалик  
меҳмон, дерлар бу дунёда одамзодни, мен  
сендаман, сен ҳам менда қол, Ватан, деб  
йўлга тушдим!

Шодмон Сулаймон



**“ОБУНА-2025”**  
мавсуми бошланди



**ОББО-О, ЯНА  
О-БУ-НАМИ, деманг!**

Сарлавҳани ўқиб, “Оббо, яна обуна  
бошландими?” деганлар ҳам, “Обуна нархи  
чўнтақбоп экан, обуна бўлиш керак!” деганлар ҳам  
топилади. Ҳар икки муносабатда ҳам ҳақсиз. Келгуси  
2025 йил учун Обуна мавсуми бошланди, бироқ,  
бошқа нашрларга қараганда, қулай нархда.

“Buxoro yoshlari” газетаси бошқа нафақат,  
вилоятдаги, балки, республикадаги қатор  
нашрлардан фарқли ўлароқ, қийин иқтисодий  
шароитларга қарамай, йил давомида узлуксиз  
чоп этиб келинмоқда. Энг қизиқарли мақолалару,  
ёшлар ва уларнинг жамиятда тутган ўрни  
ҳақидаги муҳим янгиликлардан, машҳурлар  
билан суҳбатлар, турли хориж давлатларида

муҳожирликда умргузаронлик қилаётган ҳамда  
илму маърифатда олди тенгдошларингиз, жиноят  
оламида йўлдан адашиб, товбасига таянганлар  
борасидаги хабарлару адабиёт ва шеърят  
дунёсига бағишланган ажойиб саҳифалардан ҳам  
бахраманд бўласиз.

“Buxoro yoshlari” газетаси саҳифалари йил  
давомида сизга ҳамроҳ бўлади.

Обунага шошилинг!  
Ҳамиша ўз вақтида бошланган режа йил  
давомида ютуқлар келтириши, шубҳасиз.  
Орзу-мақсадлар йўлида бел боғлаб, қўлни-қўлга  
берайлик!

Ҳамқору ҳамфикр бўлайлик!

“Buxoro yoshlari” газетасининг Таҳририят орқали  
бир йиллик нархи – 250 000 сўм;

“Матбуот тарқатувчи” шўба корхонаси орқали 312 500 сўм;

“Ўзбекистон почтаси” АЖ бўлимлари орқали 337500 ташкил қилади. Обуна нақд пул  
ҳамда пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Обуна индекси: 3051

**“BUXORO YOSHLARI”**  
60 000 000 сўмлик ГРАНТ  
маблағини қўлга киритди

“Buxoro yoshlari” газетаси Таҳририяти Халқ депутатлари  
Бухоро вилояти Кенгаши ҳузурдаги нодавлат-ноғижорат  
ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа  
институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат Фонди томонидан  
ажратилган грант маблағларига эга бўлди.

Ўзбекистон ёшлар ишлари  
агентлиги Бухоро вилояти  
бошқармаси муассислигидаги  
ҳамда Ўзбекистон ёшлар  
иттифоқи вилоят Кенгаши Бош  
ҳамкорлигидаги “Buxoro yoshlari”  
газетаси таҳририяти Сизга,  
Жамоат фондининг “Ёшлар  
муаммоларини ҳал қилиш  
ва салоҳиятини юзага  
чиқариш борасида ижтимоий  
шерикчиликни кучайтириш”  
мавзусида эълон қилинган Давлат  
гранти танловида иштирок  
этиб, “Ёшлар ўртасида соғлом  
турмуш тарзини тарғиб этиш”  
асосида “Соғлом ҳаёт – бахтли  
кеलाжак!” номли лойиҳасини  
тақдим этиб, 60 000 000 сўм  
маблағни қўлга киритди.

Ёшлар ўртасида соғлом  
турмуш тарзини тарғиб  
қилиш, уларнинг тиббий ва  
экологик маданиятини ошириш,  
жисмоний нуқсонни бор

ёшларни моддий ва маънавий  
жиҳатдан қўллаб-қувватлаш  
йўлидаги ишларни кенг ёритишда  
ОАВ ролини ошириш мақсади  
кўзланган ушбу лойиҳада барча  
ёшлар биргаликда, бир тану бир  
жонликда ҳаракатда бўлади.

Сизнинг ҳар бир ютуқ ва  
зафарингиз, шунингдек, эзгу  
мақсадлар сари ташлаган  
қадам ва бошлаган сайъ-  
ҳаракатингиз Бизнинг  
назаримизда, нигоҳимизда. Зеро,  
имз ҳам Сизнинг келажақдаги  
имкониятларингизга йўл  
очишдан, гўзал ва намунали  
тарбиянгиз йўлида куч-қудрат  
бўлишдан чарчамаймиз.

Ҳар бирингиз амалга  
оширилаётган ислохотлар,  
улар асосида қилинаётган  
улкан ишлар, бунёдкорлик,  
илму маърифат, яратувчанлигу  
кашфиётлар ичида жавлон  
уришдан асло тўхтаманг.

## БУХОРО РЕПРОДУКТОЛОГЛАР АССОЦИАЦИЯСИ: ЛОЙИХА ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган грантда вилоят Репродуктологлар ассоциацияси “Ёшларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва зарарли таъсирдан ҳимоя қилишга таълим муассасаси, оила ва маҳалла институтлари билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш орқали эришиш” мавзусидаги лойиҳа билан қатнашиб, 60 миллион сўмни қўлга киритган эди.

Лойиҳа доирасида Бухоро давлат Педагогика институти, Тиббиёт институти ўқитувчилари, волонтер талабалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, блогер ва журналистлар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида асосий эътибор аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга, болаларнинг туғма касалликлар ва нуқсонлар билан дунёга келишининг олдини олишда тиббиёт, таботат ва тарғибот орқали ечим топишда қилинадиган ишлар, белгиланган чоратadbирлар масаласига эътибор қаратилди.

– Бузунги кунда тиббиёт ходимларининг ўз олдларига қўйган мақсадлари бу инсонларда тиббий маданият ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш кўникмаларини ҳосил қилишдир, – дейди Бухоро вилоят репродуктологлар ассоциацияси раҳбари Нодира Холова, – Саломатлик – нафақат касаллик ёки жисмоний нуқсонларнинг йўқлиги, балки тўлиқ жисмоний, руҳий, ижтимоий хотиржамлик ҳолатидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра, инсон саломатлиги 55 фоиз соғлом турмуш тарзига, 17 фоиз экологияга, 15 фоиз ирсига (биологик, наслий)га, 10 фоиз тиббиётга боғлиқ. Оилада соғлом турмуш тарзининг шаклландирилганлиги ва тиббий маданиятнинг етарли эмаслиги, энг катта муаммолардан бири эрта никоҳлар



ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар туфайли туғма нуқсон билан боланинг дунёга келиши нафақат ота-она, оила учун, балки бутун жамият учун ҳам катта фожиадир. Аҳоли, айниқса, ёшлар ва 40 ёшдан ўтганлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданият ва тиббий саводхонликни ошириш бўйича олиб бориладиган тарғибот тадбирлари маҳаллаларда ташкил этилган “Саломатлик мактаблари” аъзолари билан ҳамкорликда олиб борилса, жуда яхши самара беради.

Ирсий касалликларни даволаш ғоят мураккаб бўлгани боис, улар оила учун ҳам, жамият учун ҳам “оғир юк” ҳисобланади. Аксарият ҳолларда бундай беморларга ёрдан кўрсатишда тиббиёт оқилоқлиги қўллади. Ўрганишлар шунини кўрсатмоқдаки, никоҳгача ўтказилиши лозим бўлган тиббий кўрикнинг кўпи никоҳдан кейин ўтказилиши нафақат оилаларга, балки жамият учун ҳам катта муаммоларга сабаб бўлмоқда. Бинобарин, ажримларга, касалликларнинг тарқалишига, аёлларнинг бахтсиз, касалманд бўлиб қолишига олиб келмоқда.

Натижада аёл бундан азият чекади, ўзига бўлган ишончи сусаяди, қариндошлари ва яқинлари билан муносабатлари мураккабла-

2024 йил 23 август кўни вилоят Репродуктологлар ассоциацияси “Ёшларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва зарарли таъсирдан ҳимоя қилишда таълим муассасаси, оила ва маҳалла институтлари билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш орқали эришиш” мавзусидаги давра суҳбати ўтказилиш мақсади қилинди.

шади. Энг асосийси, репродуктив ҳолатида салбий белгилар пайдо бўлишига олиб келмоқда. Қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, тиббий билимларнинг етишмаслиги натижасида нуқсонли фарзандлар дунёга келади.

Мазкур масала бўйича маҳаллаларда муаммоларнинг сабабини ўрганиш аҳолининг ҳар бир қатламини, болаларни, аёлларни эркаларни қолаверса, никоҳланувчиларни тиббий кўриikka жалб қилиш, тиббий кўрик натижаларига асосланган соғломлаштиришда иштирок этишини таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар сусти олиб борилмоқда. Оиланинг саломатлиги жамият фаровонлигини белгилайди.

Юқумли касалликларнинг олдини олиш соғлом фарзандлар дунёга келишига замин яратади. Юқумли касалликларнинг келиб чиқишига гиёҳвандликка ружу қўйиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, пала-партиш ҳаёт тарзи сабаб бўлади.

Давра суҳбати якунида тавсиявий характерга эга таклифлар ўртага ташланди.

Тарғиботнинг ноанаънавий усули орқали аҳоли ўртасида тиббий саводхонликка эришиш мақсади илгари сурилди.

Китоб замонлар денгизиде саёҳат қилаётган ва ўзининг қимматбаҳо юкини авлодлардан-авлодларга ташиётган ҳикмат кемасидир. Китоб ўқиш қалб чигалликларини ёзади, кўнгилга ҳузур бағишлайди, жаҳолатга барҳам беради, турли-туман ёмон фикрлар, васвасаларни киши онгидан қувиб юборади.

## КИТОБ – МИЛЛАТНИНГ МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ 4354-сонли қарори ижросини туманида ташкил этилган Ахборот-кутубхона маркази ўзининг фаол китобхонларига эга. Аҳолининг кенг қатламига хизмат кўрсатиб келмоқда. Кутубхона фонди 119078 нусхани ташкил

да. Бундан ташқари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан совға тариқасида тақдим этиладиган китоблар зўр қизиқиш билан ўқияпти.

Ёшларимизни китобга меҳрли қилиб ўстириш маънавий ва тарбиявий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Ромитан туман Ахборот-кутубхона маркази ходимлари доимий равишда туманда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида “Энг яхши китобхон маҳалла”, “Энг яхши китобхон оила” каби танловларни ташкил қилиб келишяпти. Шу билан бир қаторда чекка ҳудуд маҳаллаларида ҳам кўчма кутубхоналар ташкил қилинган.

Китоб ҳаётнинг энг олис ва қоронғу йўлларида нур бахш этган чироқдир. Китоб ўқиш инсон учун муваффақият ва саодат эшикларини очади. Илм излаш, китоб, мутолаа қилиш кишининг дунёқарашини кенгайтиради, лаззат бағишлайди. Китоб ўқишнинг тарбиявий аҳамиятлари ҳам бисёр. Болаларни ёшлик чоғларидан китобга муҳаббатли қилиб ўстириш ўта фойдалидир. Зеро, китоб эзгуликдан, олийжанобликдан, мардликдан ҳикоя қилади. Тубанлик, номардлик, разолат ва хиёнатнинг қабих юзини очиб беради, бундай ёмон хулқларга қарши қалбда нафрат уйғотади.

**Нозима Ҳаётова,**  
Ромитан туман  
Ахборот-кутубхона маркази  
Фондларни тўлдириш,  
сақлаш ва уларга ишлов  
бериш хизмати раҳбари.  
**Матлуба Атоева,**  
Ахборот-кутубхона  
технологиялари  
бўйича мутахассиси.



қилиб, ўзбек, рус ҳамда жаҳон адабиётининг сара асарлари, фанга ҳамда болалар адабиётига оид китоблар ўрин олган. Бундан ташқари, кутубхонада 14 номда 180 нусхадаги журнал, 14 номдаги газета ҳамда 196 номда 244 нусхадаги электрон дисклар мавжуд. Ўшбу дискларда 1360 та адабиётлар киритилган бўлиб, ёшларимиз ҳамда билимга чанқоқ китобхонларимиз ундан фойдаланяпти.

Доимий равишда китобхонлар қизиқиши ўрганилиб, уларнинг талаблари асосида Туман Ахборот-кутубхона марказининг бюджет маблағлари ҳисобидан кутубхона фонди бойитила-

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛДИ

“Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 августдаги ЎРҚ-938-сонли қонуни билан Жиноят Кодексига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига 46-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилди: “Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами ўттиз кундан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товласа ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетса, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди”;



Бундан ташқари, 481-модданинг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилди: Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан уй-жойини у ёки бу сабаб билан тарқ этишни бутунлай тақиқлашдан ёхуд ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашдан иборат”;

Шунингдек, ЖК 73-модда: учинчи қисмининг “в” бандидаги, “шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки

жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса” деган сўзлар чиқариб ташланиб, тўртинчи қисми “г” бандининг ўзбекча матнидаги “нисбатан қўлланилмайди” деган сўзлар чиқариб ташланди; тўртинчи қисми қуйидаги мазмундаги “д” банд билан тўлдирилди:

д) жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир

этган шахсга нисбатан қўлланилмайди”; шу билан бирга қуйидаги мазмундаги бешинчи - тўққизинчи қисмлар билан тўлдирилди: “Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш чоғида суд асослар мавжуд бўлган тақдирда, маҳкумнинг зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юклатиши мумкин: а) ишга ёки ўқишга жойлаштириш; б) муддатидан илгари шартли озод қилинган шахснинг яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгарганлиги ҳақида унинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчи органга хабар бериш;

в) муайян жойларга бормаслик; г) алкоғолизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташ; д) Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқмаслик.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назоратни ички ишлар органлари, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган ҳарбий хизматчиларнинг хулқ-атвори устидан назоратни эса - ҳарбий қисмлар ёки муассасаларнинг қўмондонлиги амалга оширади.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахснинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчи органнинг тақдимномасига биноан суд илгари ушбу шахснинг зиммасига юклатилган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиши ёхуд унинг зиммасига қўшимча мажбуриятлар юклатиши мумкин.

Прокурорнинг тақдимномасига ёки адвокатнинг илтимосномасига биноан суд жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод

қилинган шахснинг зиммасига юклатилган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин.

Агар жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни ўталмаган жазо муддати давомида бажармаса, суд унинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчи органнинг тақдимномасига биноан уни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни бекор қилиш ва ўталмаган жазо муддатини ўташи ҳақидаги масалани кўриб чиқади”;

Бундан ташқари ЖК 74-модда учинчи қисмининг “в” бандидаги “шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган ва жазони ўталмаган қисми мобайнида қасддан содир этган янги жинояти учун” деган сўзлар чиқариб ташланди.

**Бобораҳим Очилов,**  
Жиноят ишлари бўйича  
Қорақўл тумани суди раиси.

# ДҮППИНГИЗНИ ОСМОНГА ОТИНГ

Шу кунларда Ватаним мени ўзига оҳанграбо каби чорлаяпти. Айниқса, байрам арафасида бўлгани учунми, одамлардаги хуш кайфият, юртимиздаги шуқуҳни ич-ичимдан ҳис эта бошлаяпман. Уни жуда соғиняпман. Бугун мен Американинг Охио штатидаги обрўли олийгоҳда таълим олиб, шуларни тушуниб етдимки, дўёнинг энг бахтли ёшларидан, толеи кулган инсонларидан бири эканман.

Ўқиш ва ишлашдаги эркин-лигимиз, қайси соҳада бўлмасин, қобилиятимиз бўлса, ривожланишга эришиш имконимиз борлиги қувонарли. Келажгимиз учун танлов қилиш ўз қўлимизда экани муваффақиятларимизнинг асоси, аслида. Ҳар бир давлатда ҳам мен ва тенгдошларим бошига бундай бахт қуши кўнмаган. Узоқ давлатдаги ҳамма ёшлар ҳам таълим олиш, хусусий тадбиркорлик ишларини йўлга қўйиш ҳуқуқига эга эмас. Кун давомида хонасида хужжатлар билан ишлаб чарчаш, боғларда меваларни териб, терга ботиш ва ҳаттоки, велосипедда етказиб бериш хизматида ишлаб пул топиб, қувониш ҳисси ҳам йўқ уларда. Аммо, мен озод юртда яшаб, турли ғолибликларни қўлга киритганимни фахр билан айта оламан.

Таэквондо-ИТФ спорт йўналиши бўйича маҳоратли мураббий-

лардан дарс олдим. Тинимсиз шуғулланиш ва ўз устимда қаттиқ меҳнат қилишим натижасида қатор ютуқларни қўлга киритдим. 2015 йилда Тошкентда Ўзбекистон саралаш мусобақаси ҳамда “Қарши кубоги”да 1-ўринга, 2016 йилда Беларуссияда бўлиб ўтган Жаҳон кубогида 3-ўринга муносиб топилдим. 2017 йилда Ўзбекистон спорт устаси номзодига муносиб кўрилганим энг катта ютуқларимдан бири бўлди. Қолаверса, ўз йўналишим бўйича қора белбоғ соҳибиман. 2018-2022 йилларда Қашқадарё, Наманган ва республикамизнинг бошқа вилоятларида ўтказилган қатор мусобақаларда ҳакамлик қилдим. Ҳакамликда ўзим иштирок этган мусобақалар ва мураббийлардан ўрганганларини амалда қўллаб бошладим ва бу борада ҳам тажиба эгасига айландим.



Барака ва тинчлик нури ила безанган мамлакатда яшаётган барча юртдошларимни мустақиллик айёми билан муборакбод этаман. Орзулари осмон, ниятлари пок халқим, дўппингизни осмонга отинг, дейман. Зеро, юрак-юрагимиздан жой олган юртимизда меҳнат қилсак, албатта, орзулар ижобатига эришамиз!

These days, my country is calling me like a magnet. Especially since it's the eve of the holiday, I'm starting to feel the good mood of the people and the happiness in our country. I miss him so much. Today, after studying at the most prestigious university in the state of Ohio, I realized that I am one of the happiest young people in the world, one of the happiest people.

It is gratifying that we have the freedom to study and work, to develop our abilities in whatever field we have. The fact that we make choices for our future is the foundation of our success. Not all my peers did not have happiness in any country. Not all young people in distant countries have the right to get an education and start a private business. They don't feel tired working in their room all day with documents, sweat picking fruits in the orchards, or even happy to earn money working as a bicycle delivery service. However, I can proudly say that I have won many victories while living in a free country.

I took lessons from skilled trainers in the field of Taekwondo-ITF sports. As a result of constant practice and hard work on myself, I have many achievements. In 2015, I won the 1st place in the qualifying competition of Uzbekistan and the

"Karshi Cup" in Tashkent, and the 3rd place in the World Cup held in Belarus in 2016. In 2017, I became a candidate for the master of sports of Uzbekistan, which was one of my biggest achievements. In addition, I have black belt in my discipline. In 2018-2022, I refereed a number of competitions held in Kashkadarya, Namangan and other regions of our republic. I began to apply what I learned from the competitions and coaches I participated in as a referee, and I became the owner of experience in this regard.

I congratulate all my compatriots living in a country decorated with the light of blessings and peace on the day of independence. I say, whose dreams are in the sky, whose intentions are pure, your way clear. After all, if we work hard in our country, where we have a place in our hearts, we will certainly achieve our dreams!

Асадбек Бозоров,  
Амикадаги ўзбекистонлик талаба.

Марказий Осиё ва Ўзбекистондаги

биринчи профессионал журналист ва жадидчи аёл Собира Холдорованинг ёрқин хотирасига бағишлаб, сунъий интеллект ёрдамида робот-мухбир яратилди.

## Ўзбек медиасида сунъий интеллект иш бошлади



Сунъий интеллект мухбирга Собира Холдорова, деб ном берилди, у ўзбек тилида овозлаштирилганди матнларни анча раван сўзлайди. Билдирилишича, Ўзбекистон янгилликларини дунё ҳамжамиятига тўққиз тилда – ўзбек, инглиз, рус, француз, араб, хитой, немис, испан ва қозоқ тилларида етказиб беради.

## “Бир умр талаба бўлинг”

Абитуриентлик вақтларимни яхши хотирлайман.

Устозим айтди: “Ҳаракатингиз тўрт йиллик талабалик учун бўлмасин. Бутун умр талаба бўлинг!” Ўша вақтда ёш бўлганим сабаб, албатта, устозимнинг гаплари эриш туюларди. Илмимиз ошгани сари мураккаб санаган тушунчаларимизнинг магзини чаққандек бўламиз.

Йиллар давомида устозимнинг сўзлари шарҳини тушуниб етдим. Бир умрли талабалик - доим илмталаб бўлишда экан. Фақат бунда сиз олийгоҳнинг эмас, ҳаёт мактабининг талабаси бўласиз. Доимий имтиҳонлар, шахсий ривожланиш, илм йўлидаги машаққатлар, қийинчилик ва синовлардан дарс олсиз.


“Йўлингда учраган ҳар кишини пир бил”, - деган донолар. Англатадики, биз билган, таниган кишилар, ҳаётимиз давомида содир бўлган вазиятларнинг барчаси илмимиз ошишига хизмат қилади. Талабаликнинг бир умрлик бўлишини эса Олий таълимдаги олтин давр-ўйин-қароқлик, дўстлар давраси, дарсдан қочиш, шўхликлар - учун эмас, мустақил ўрганиш, ўзида бўлган хоҳиш, иштиёқи бўлиши, илмталаб - толиби илм бўлишида, деб биламан. Бу йўлда ўтказиб юборилган ҳар

бир дарснинг қолдирилганлиги беҳуда умр ва беамзун сарфланган вақтлар билан баҳоланади. “Отработка”си эса афсус ва қийинчиликларга бой ҳаёт билан бажарилади. Ҳа, устозим ҳам айнан шу ҳақиқатларни назарда тутган эканлар.

Хатоларингизга қайси оилада яшашингиз, ижтимоий келиб чиқшингиз, ҳатто, илмингизнинг камлиги ҳам арзирли ва жаммас. Имкониятдан кўра ҳаракат кўпроқ нарсани ҳал қилади. Вақтни қадрлашни ва унумли фойдаланишни англаш лозим. Зеро, ҳар нарсанинг уволи бўлганидек, беҳуда ўтказилган вақтнинг ҳам уволи бор. Бу йўлда оғишмасликнинг энг тўғри йўли - маълум бир йўлни танлаб, билимли устоз изидан боришдир.

Мафтуна Раҳматова,  
Бухоро давлат университети  
4-босқич талабаси.

## Орзуларимга эришишимга ишонаман



Когон туманида “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан 23 та маҳалладаги вояга етмаган ёшлар ўртасида шахмат-шашка мусобақаси ўтказилди.

Ушбу мусобақани ўтказишдан мақсад болаларнинг ёзи таътил кунлари бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни шашка ва шахмат ўйинларига жалб этиш ҳамда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборат. Ташкил этилган мусобақада туманда истиқомат қилувчи 50 нафарга яқин болалар қатнашишди. Мусобақада Шохруҳ Алиев, Алижон Ризаев, Аслиддин Шухратовлар фаол иштирокчи, деб топилди.

— Ҳар гал мусобақаларда иштирок этсам, катта майдонларда ҳам ўз кучимни ва қобилиятимни намойиш этишни ўйлайман. Юртимиз байроғини баланд кўтаришни орзу қиламан. Мен бор қувватим билан бу орзуларимга эришишимга ишонаман,- дейди Шохруҳ Алиев. Ғолибларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Матлуба Муратова,  
Когон туман “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази болаларни ҳимоя қилиш шўъбаси бош мутахассиси.

## “Ёшлар етакчиси кубоги”

Киберспорт турларини янада ривожлантириш ва кенг оммалаштириш мақсадида ёшлар етакчилари томонидан маҳалла ёшлари ўртасида турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Бухоро шаҳар “Боғидашт” маҳалласида ҳам киберспорт бўйича “Ёшлар етакчиси кубоги” ташкил этилиб, мусобақада 20 дан ортиқ ёшлар жамоавий баҳсларда фаол иштирок этди.

Ёшлар киберспортнинг “CS:GO” ва “Дота 2” тури бўйича беллашди.

Беллашувда “Қайтмас” жамоаси ғолибликни қўлга киритди. “Hacker Game” ва “Шунқорлар” жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади.

Ушбу ўйинлар ҳозирги замондаги энг машҳур спорт ўйинларидан бири ҳисобланади. Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад “Беш ташаббус олимпиадаси” баҳсларига ёшларни тайёрлаб боришдир.

— Шаҳсан менга киберспорт тури ёқади ва у билан мунтазам шуғулланаман. Бу спорт тури бўйича ҳозирги вақтда маҳалламизда кўплаб мусобақалар олиб борилмоқда,- дейди фаол иштирокчилардан бири Сирожиддин Изатов.



Ғолибларга ҳомийлар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

Мустафо Исмаилов,  
Боғидашт маҳалласи ёшлар етакчиси.

## Керак сизнинг ОМОНЛИГИНГИЗ

Бугундан ранжиманг, самимий сўзим, Сабр кўнгилларнинг нақши бўлади. Нега сал хафасиз, айтинг, азизим, Эртага ҳаммаси яхши бўлади!

Қанча дўсту ошнони топинг, Меҳр бериб, уларга тўйманг. Яхши-ёмон одамлар аро, Ўзингизни унитиб қўйманг!

Кеча-кундуз тер тўқиб ишланг, Топинг, тутинг, қилинг даромад. Сийласангиз ҳаммани сийланг, Ўзингизни унутманг фақат!

Яхши бўлинг, дил кўрмасин гам, Достон бўлмай ёмонлигингиз. Ўзингиздан бошқа менга ҳам, Керак сизнинг омонлигингиз!

Рухиона Умарова

# ОЗОДЛИГИДАН

Мустақиллик, озодлик шу қадар улғу тушунчаки, уни ўз қилмиши туфайли зимистонга тушиб қолганлар, озодлигини бой берганлар кўпроқ ҳис қилишади. Инсон учун бу дунёда эркидан, мустақиллигидан, озодликдан муҳимроғи йўқ. Бетакрор неъмат бўлган Мустақилликни, Тинчликни асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Озодликни озодликда англайлик, қадрлайлик!

## “Ёшлар раҳбари ва маҳкумлар учрашуви”

Биргина Ўзбекистонда эмас, балки қатор мамлакатларда турли сабабларга кўра, эшиклари ёпиқ муассасалар бор. Бу, албатта, хавфсизлик нуқтайи назаридан муҳим. Журналист эса бундай муассасаларга киришга, турли кўрсатув ва мақолалар тайёрлашга иштиёқманд бўлади. Ёшлар ишлари агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган “Ёшлар раҳбари ва маҳкумлар учрашуви” бизнинг ҳам колониялардан бирига киришимизга туртки бўлди.

Когон туманида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги жазони ижро этиш департаменти олтинчи минтақавий ҳудуд 1-сон жазони ижро этиш колониясига кириб борар эканмиз, бир неча босқичли хавфсизлик текширувидан ўтдик. Ҳар биримизнинг қўлимизда ёзув дафтарча ва оддий ручка.

## “ХАВФСИЗЛИК ҲАР БИРИМИЗ УЧУН МУҲИМ”

Маҳкумлар сақланадиган ва қаттиқ қўриқланадиган муассаса сари ичкарилар эканмиз, беихтиёр тиканли симтўрлар билан ўралган тўрт томони баланд деворларга назар ташлаймиз. Юрагимиз жумбушга келади. Мавжуд колонияларда маҳкумларни қийноққа солиш, психологик таъсир ўтказиш, камситиш бўйича ниҳоятда кўп эшитганмиз. Кўз қарашимиздан ҳали тилга чиқмаган саволимизни зукколик билан англаб олгандек, муассаса ходими: “Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 1 июлдаги қамоқ жазосини ижро этиш муассасаларининг ички тартиб-қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Кирилган қўшимчаларга кўра, маҳбуслар агар об-ҳаво шароити йўл қўйса, ишдан бўш вақтларида тоза ҳавода спорт



машқларни бажариш, психологик ёрдам олиш, шунингдек, хавфсиз меҳнат шароитларига эга бўлиш, дам олиш, иш ҳақи олиш каби ҳуқуқларга эга бўлган. Сизнинг ҳаёлингизда кечаётган ўйлар ўтмишда қолиб кетган”, - дейди нимтабассум билан.

Колония ҳовлисида спорт машғулоти билан шуғулланаётганларни, яшил боғда суҳбат қураётганларни ва ўз ўрнида, ишга чиқаётган маҳкумларни кузатамиз. Қаршимизга югуриб келиб, ёрдам бериш мақсадида ёшлар ташкилоти томонидан келтирилган совғаларни кўлимиздан олган бир маҳбус суҳбатимизни эшитиб қолди, чоғи: “Ошхона юмушлари, атрофни тозалаш, бир қатор хунармандчилик турлари, деҳқончилик ишлари, спорт ўйинлари энг асосий машғулотларимиздан ҳисобланади. Овқатланиш, ўрни келса, пулда ҳам муаммо йўқ. Очиқ осмон остидамиз, кўёшни кўрамиз, ойни кўрамиз. Фақат бу ерда бизни бир нарса қийнайди: қилган гуноҳимиз қаршисидаги виждон азоби ва оила соғинчи...” - деди.

## Кузатув камералари – назоратчи вазифасини ўтайди

Маълум бўлишича, мазкур колонияда 400 дан зиёд ёш маҳкумлар бор. Уларнинг меҳнат қилиши, спорт билан шуғулланиши, колония кутубхонасидан фойдаланиши таъминланган. Ҳар бир жиноят тури бўйича мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган. Колонияда ёшларни қайта жиноят содирэтишдан сақлаш, уларни спортга, фойдали меҳнатга ўргатиш асосий вазифалардан саналар экан. Эътиборимизни тортган жиҳати, муассасанинг мавжуд барча бино ва хоналарида кузатув камералари ўрнатилган экан.

“Кузатув камералари, нафақат, маҳбуснинг тартибга бўйсинмаган ҳолда ортиқча хатти-ҳаракат қилиши, балки ходимларнинг ҳам хизматни тўғри ўташини назоратга олиб туради”, - дейди муассаса масъули.

Ёшлар ташкилоти раҳбари ҳамда муассаса вакиллари етакчилигида маҳбуслар билан учрашув залига кирдик. Бирининг кўзида мунг, бириникида теҙроқ бу темир панжара ортидан чиқшига умид, яна бирида манмунсиз ҳаёт ўқинчи ва қайсинингдир

нигоҳида бепарволик... Бу ерда бой ҳам, камбағал ҳам, олим ҳам, билимсиз ҳам бор. Лекин ҳамма бир хил кийимда. “Ичкари” ва “ташқари”даги одамларнинг фарқини эслаб туради бу кийим. Айтиш жоизки, колониядаги жазо муддатини ўтаётган ёш маҳбусларнинг кўпчилиги панжара ортидаги ҳаётни қайта такрорламасликка ўз-ўзини даъват этишган. Бироқ, гуруч курмасиз эмас, улар орасида берилаётган имконият ва енгилликларнинг моҳиятини англаб етмаганлар, такроран жиноят содир этганлар, ҳатто, қилмишидан пушаймон бўлмаганлар ҳам, афсуски, учрайди.

“Инсон учун бу дунёда эркидан, мустақиллигидан, озодликдан муҳимроқ нарса бўлмаса керак. Ҳар битта одам қачонки эркин бўлса, ўзини тўлақонли ҳис қилади. Унинг маълум даражадаги эркинлиги чекландими, у ўзини мустақил ҳис қила олмайди. Мақсадимиз ушбу колонияда муддатини ўтаётган ёш маҳбуслар билан учрашиш, сизларни соғлом ҳаётга қайтариш учун қандай тарбия чоралари



қўлланилаётгани ва жамият ҳаётига дахлдор ёшларни ўрнатилган сифатида кўрсатиб, келгусида яна жиноят оламига кириб кетмасликларингизга чорлашдан иборат”, - деди ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Шавкат Раҳмонов.

Кўпчилиги билан суҳбатда бўлдик, “тақдир йўлларида адашиб, ҳақли равишда жазоимни тортаётган маҳбусман” деганлар бўлди. Ўз муддатларини адо қилиш учун тим қора сочлари темир панжара ортида оқаргунча орзуларини кўмиб яшашга маҳкум бу ёшларнинг пушаймонликларини тинглаб, юраклар санчади.

# МАҲРУМ

# МАҲБУСЛАР:



Кўпчилиги билан суҳбатда бўлдик, “тақдир йўлларида адашиб, ҳақли равишда жазоимни тортаётган маҳбусман” деганлар бўлди. Ўз муддатларини адо қилиш учун тим қора сочлари темир панжара ортида оқаргунча орзуларини кўмиб яшашга маҳкум бу ёшларнинг пушаймонликларини тинглаб, юраклар санчади.

## “Мен кимга керакман!”

Мустақиллик арафасида Ўзбекистон Президенти томонидан бериладиган амнистияни кутаётган колониядаги кўплаб ёшларнинг тузалиш йўлидан бораётганини кўриш мумкин.

“Ўзингизга ҳар тун ётаётганингизда ва ҳар тонг тортаётган маҳбусман” деган саволи беринг. Шу савол жон томирингизга сингсин. Ўйланг ва фикр қилинг, сизни бу ерга ота-онангиз йўқлаб келади, аслида эса, сиз ота-онангизни йўқлаб бориш ёшидасиз! Афсуски, ота-онангиз сизни кўриш учун минглаб

масофаларни босиб ўтади, бир дақиқа кўзингизга термулиш учун эҳҳе-ҳе, неча соатлаб вақтини бой беради. Бу соатлаб вақт ота-онангизнинг ҳар дақиқада кексайишини тезлаштиради, қаддини буклайди. Қилмишингиз жабрини сиз эмас, кўпроқ ота-онангиз тортаяпти. Бу оғир юкни кўтариб билган, кўтарса-да, бир умрга соғлигидан айрилаётган ота-оналарингиз, фарзандингиз, аёлингиз учун бу тиканли симтўрдан тавба билан чиқинг, яхши инсонлар қаторидан жой олинг”, - дейди Шавкат Раҳмонов.

# “Эркин ҳаёт қадрига етмадик: ГУНОҲИМИЗ ОРТИДАГИ ВИЖДОН АЗОБИ ҚИЙНАЙДИ”

## “Эришган муваффақиятларимни ЎЗИМ ЧИПАККА ЧИҚАРДИМ...”

Сўхбатдошимиз самарқандлик Ф.Н., 30 ёшда. Олий маълумотли, бир нафар фарзанди бор. 2019 йилда Навоий педагогика институтининг тарих факультетини тугатган. Билими, изланиши орқали ўзининг шахсий ўқув марказига эга бўлган.

“Худо ҳар бир йиғитга омад, ризқ-рўз бераркан. Узини сақлай билиш керак экан. Асли касби ўқитувчи бўлган ва узоқ йиллардан кейин мактаб директори бўлган отам мени сабрга, шошма-шошарликка йўл қўймади, барча мақсадларга секинлик билан эришишга ундарди. Мен эса янаям зўр шароитда яшаш учун кўпроқ даромад топишга ҳаракат қилдим. Турмуш ва яшаш шароитимиз бировдан кам бўлмаса-да, мени қониқтирмаган. Психология ва бизнесга оид китоблар мутулаа қилдим. Ҳаёт ва яшаш даражамизтез ва жудаям яхши бўлишини хоҳладим. Афсуски, ҳаётда ўз кучим билан эришган муваффақиятларим чипакка чиқди, заволга юз тутди”, - дейди Ф.Н.

**Ф.Н. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 168-моддаси (Фирибгарлик), 4-қисми билан айбланиб, 8 йилу 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган.**



“Бойликка, даромад топишга бўлган уринишининг нотўғри йўлидан фойдаландим. Давлатимиз томонидан берилган имкониятни четлаб ўтишга ҳаракат қилдим. Қонунни четлаб ўтдим. Пул, дунё қаршида инсон ожиз қолар экан. Аслида, эгри ва бировнинг ҳақи ортидан келган бойлик ёмон кунингга “хизмат” қиларкан. Қилган ишимдан афсусдаман. Президентимдан, халқимдан ва мендан жабр кўрган фуқаролардан чин дилдан кечирим сўрайман”, - сўзида давом этди сўхбатдош.

Учрашувда тузалиш йўлига ўтаётган тошкентлик маҳбуслардан бири М.А. сўз олар экан, бундан бир неча йил олдин қилган хатти-ҳаракати учун икки мартаба озодликни чеклаш жазосини олиб, уй қамоғида ўтирганини, бироқ, бундан хулоса чиқармай, яна нотўғри йўлларга кириб кетгани ҳақида сўзлади.



## “Ёшлигимни, йилларимни ЙЎҚОТЯПМАН...”

“Давлатимиз томонидан бир марта эмас, икки марта кечирдим. Ота-онам ногирон: гапира олишмайди, эшитишмайди. Бувимнинг қўлида тарбия олганман. Бувим 17 ёшимда оламдан ўтди. Уёғига ўзим кўчага чиқиб кетганман. Меҳнат қилиш ёқмасди. Ишламай, осон пул топиш илинжида юрдим. Мана, бу ерга келиб, арзимаган ойликка ишласа ҳам бўларкан-ку, дедим. Ҳалол пул топиб, оиласи, рўзгорини амаллаб тортаётган киракаш таксистларни ҳеч қўрқмай, “чувв” туширдим. Етмаганига гиёҳвандларгаям қўшилишиб қолдим. Жабрини тортаяпман. Бугунги учрашувда қаттиқ таъсирда қолдим. Унда “Мен кимга

керакман?!” - деган саволни ўзингизга беринг, дейишди. Виждоним қийналди бу сўроқдан. Ўйлаб кўрсам, бир марта йўқлаб келган бўлса ҳам ожиз ота-онамдан бошқа ҳеч ким келмади. Улардан бошқа ҳеч кимга керак эмаслигимни тушуниб етдим. Тўғри, бу ерда сизни ҳеч ким урмайди, сўкмайди. Лекин соғинч азоби қийнаркан, бу ерда ёшлигимни, йилларимни йўқотяпман. Биргина вояга етган синглим бор. Уям акаси қийналиб кетди. Мен эса шу пайтгача ака бурчини адо этолмадим. Тузалишим шарт. Тенгдошларимгаям тавсиям шу: менга ўхшаб афсусланиб қолишларини истамайман”, - деди 22 ёшли М.А.

## “Онам вафот этди, мен онамдан РОЗИЛИК ОЛОЛМАДИМ...”

Бухоро шаҳрида туғилган 20 ёшли Ҳ.Ҳ. 18 ёшида Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 166-(Талончилик) ҳамда 277-(Безорилик) моддалари билан айбланган. Уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. 16 ёшида спортнинг эркин кураш тури бўйича Ўзбекистон ҳамда халқаро чемпионатларда қатнашиб, голибликни қўлга киритган. Ўзининг айтишича, болалигида ота-онаси ажрашиб кетган: отаси ҳам, онаси ҳам бошқа-бошқа оила қуриб кетишгач, у бувисининг тарбиясида қолган.

“Спортчи бўлганим боис, давлатимиз томонидан кўп ёрдамлар берилган. Ҳар гал спорт ареналарида қўлларим чемпионликка кўтарилганда, ортида бизни моддий рағбат кутарди. Қийинчилик кўриб, улғайганим учун тезроқ бойишни истардим. Бувимга кўмак бергим келарди. У ер-бу ердан пул топиб кела бошладим. Кекса бувимга бу пуллари ўз меҳнатим билан топаётганимни айттардим. Кейинчалик онам мени тез-тез йўқлаб турди, болалигимда унинг меҳрисиз улғайганим – вояга етганимдан сўнг унинг меҳрига тўя бошладим. Аммо, нимаям бўлди, билмадим, ақлсизлик қилиб қўйдим. Оназорим менинг дардимда адо бўлди, қамоқдаги ҳаётим қандай кечишини ўйлайвериб, жонсарак бўлди. Афсус, афсуски, ўғли қамалгани юкини кўтара олмади, колониядалигимда онам вафот



этди... Мен онамдан розилик ололмадим, онам ҳам мендан розилик ололмади (йиғлаб) Бу ерда сочлар калга олинади, ҳамма бир хил кийим, бир хил бош: ҳали эрта, лекин сочлар оқарди. Ҳар нарсанинг вақти бор, ўрни бор: сочлар оқариши эса биз шошма-шошарликка йўл қўйиб, ҳаётнинг шу қондасини эртароқ истаганимиз оқибатига жавоб

экан. Давлат берган имкониятдан тўғри фойдаланиб, ютуқларга эришаётган палламда боши берк кўчага кириб қолдим. Сентябрь ойида худо хоҳласа, менга берилган уч йил муддат тугайди. Бу ерда ҳам спортдан узилиб қолмадим. Спорт билан шуғулланишим учун имконият ва шароитлар яратиб беришди. Тўғри йўл кўрсатишди. Психологик таъсирлар орқали ёмон иллатлардан чекинишимга туртки бўлишди, меҳнатга ўргатишди, ҳатто, саломатлиги учун ҳам қайғуришди”, - дейди маҳбус.

Ҳ.Ҳ. жиноят кўчасига кирмасидан олдин унаштириб қўйилганини, тўй жорий йилнинг октябрь ойида мўлжалланганини билдирди.

“Севган қизим тиббиёт соҳасида таълим олади. Муассасадагилар у билан тез-тез телефон орқали боғланиб туришимга рухсат беришади. Билсангиз, уч йил давомида юрагимни ҳовучлаб юрдим: “мени ташлаб кетмасин”, деган ўй билан. Оғир кунларимда ёлғиз қолдирмади. Камчилигим, хатоларимни ташлаб, жамият учун ҳам, оилам учун ҳам керакли одам бўлиб қайтишимни сабр билан кутяпти. Бу ерда ўзим учун тўғри хулосалар чиқардим. Ушанда кўп нарзаларга ақлим етмаган экан. Қилаётган ишларимнинг хатолигини билмаганман”, - дейди сўхбатдош.

## “ОЗОДЛИКдан устун нарса йўқ...”

Сурхондарёлик маҳкум, асли тадбиркор Б.С. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 167-моддаси (Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш), 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилиб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Муддатнинг бир йилини ўтаган.

“Бу ерда жиноятчи қилган айбига яраша жазо олади. Ҳеч ким таъйиққа олинмайди, ҳуқуқлари бузилмайди. Кимдир зўравонлик қилиб, куч ишлатмайди. Назорат қатъий. Ҳар бир маҳкум ҳар доим “мен кузатув остидаман, хизматни тўғри ўташим керак” деган онгли тушунча билан юради. Инсоннинг озодлигидан устун, эркинлигидан гўзалроқ тасвир йўқ экан дунёда”, - дея сўнгсиз пушаймонликларини сўзлайди Б.С.

Жазони ижро этиш муассасидаги маҳбуслар билан тез-тез учрашувлар ўтказилиши, турли спорт мусобақалари, “Заковат” ўйинлари ташкиллаштирилиши ҳақида сўз борди. Китоб ва спорт анжомлари олган, дардини дадил бўлишган маҳбуслар: “Биз билан тез-тез учрашинг ва тўғри танловимизга мотивация бўлинг. Пушаймонлигимизни тенгдошларимизга етказинг ва улар ҳеч қачон адашишмасин”, - дейишди.

“Сизга ҳеч ким ўзингиз қадар ёрдам бера олмайди. Тўғри, кимдир ачиниши мумкин, “яши бўлади” дейиши мумкин, лекин сизнинг ичингиздаги оғриқни, дардни ўзингиздан бошқа ҳеч ким ҳис қилмайди. Айримларингизнинг кўзларингизда, нигоҳларингизда



қилмишингиздан пушаймонлик ҳисси қолмагандек, назаримда. Кимларнингдир қалбида занг бўлади, унутманг, бу бошқани эмас, ўз қалбингизни емиради. Агар сиз мuddатингиз тугагач, бу зангни тўқиб чиқмасангиз, ташқарида ҳам сизни бу занг емиради”, - деди Шавкат Раҳмонов.

Когон туманида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги жазони ижро этиш департаменти минтақавий ҳудуд 1-сон жазони ижро этиш колониясидан чиқар эканмиз, беихтиёр “ҳеч кимнинг бошига тушмасин” деймиз.

Лайло Ҳайитова  
сўхбатлашди.



Биз, ёшлар, тинч ва фаровон, озод ва обод маконда яшаймиз. Юртимизда ёшларга меҳр билан берилган эътибор, яратилган кенг қўлмали имкониятлар, замон талабларига мос шарт-шароитлар бизларни ижодга, янада юксак марраларни эгаллашга ундайди.

## Мени қўллаб тургин, ВАТАН-ҚУЁШИМ!

Мустақилликнинг 33 йиллик тантаналари “Бир бўлсак ягона халқимиз, бирлашсак Ватанмиз!” шиори остида ўтказилиши ҳам ўзгача маъно касб этади. Шу ўринда, мустақиллик тарихан қисқа бўлса-да, бу даврда қўлга киритган ютуқларимиз жаҳон ҳам-жамиятини лол қолдирди. Бунга сабаб, аввало, тинчликдир. Тинчлик боис, халқимиз ўз олдига қўйган улғувор мақсади сари дадил интилмоқда.

Мухтарам Президентимиз: “Биз ўз олдимизга қўйган келажаги буюк давлат қуришдек олийжаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел болаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиган, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб май-

донга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман. Мен сизларнинг барчангизни ҳақиқатдан ҳам яхши кўраман, сизлар учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун бутун борлигимни бағишлашга ҳам тайёрман. Маррани доимо баланд қўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники!” – дея қалбларида ғурур ва ифтихор туйғулари билан мурожаат қилган эди.

Шу сўзлардан нафақат, мен, балки бутун Ўзбекистон ёшлари руҳланиб, олдимизга бундан-да, катта-катта мақсадларни қўйиб, ҳеч қандай тўсиқ ва қийинчиликлардан қўрқмасдан, илм-фан чўққиларини забт этишдан толмасдан азму шижоат билан қадам ташламоқдамиз.

Орзуларим бисёр, гулбоғдай кўркам,

Менга ишонч берган азиз Юртбошим.

Мен сени қўлайин юракдан жўшиб,

Мени қўллаб тургин, Ватан-қуёшим!

Ҳар соҳада илғор бўлмоқ орзум,

Буюк келажакнинг чин фарзандиман.

Оташ юрагимда жўшқин тўлқин бор,

Мени қўллаб тургин, эй, Она Ватан! – дея тилимда шукроналик, қалбимда ифтихор туйғулари билан овозимни баралла қўйиб, қуйлагим келди.

Халқимиз, Юртбошимиз ишончини оқлаб, мустақиллигимизнинг янада мустаҳкам бўлишида, ўз куч-ғайратимиз, билимимиз ва шижоатимиз билан ҳисса қўшамиз. Ватанимиз доимо шундай гуллаб-яшнайсин, тинчлик ва бахт қуши осмонимизда парвоз айлай-версин!

Юлдуз Очилова

## Хориж билан ҳамкорликда ишлаётган тадбиркор

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги фармойишига асосан, бир нечта бухоролик тадбиркорлар ҳам мукофотланди. Улар орасида халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгаши депутати, тадбиркор Нодир Ҳамдамов ҳам бор.

Тадбиркор ҳар бири 50 килограммга тенг бўлган, рангли қопларда қадоқланиб, “Volidam”, “Nur”, “Parvona” брендига мансуб биринчи навли ун ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Ўз фаолияти орқали вилоят аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашга ҳисса қўшиб келмоқда.

Нодир Ҳамдамов Бухоро шаҳар кенгаши депутати сифатида ҳам хайрият ишлари ва саховат тўйларини ўтказишда ташаббус кўрсатган.

Президент томонидан тақдирланган ушбу тадбиркор янги корхона фаолиятини йўлга қўйди: эътирофга жавобан мустақиллик байрами арафасида “Akbarjon Barakat” МЧЖ ишлаб чиқариш корхонасининг очилиш маросимини ўтказди. Бунда Бухоро вилоят ҳокими Ботир Зарипов иштирок этиб, янги корхонанинг ишига муваффақият тилади.



“Akbarjon Barakat” МЧЖда

ишлаб чиқариш ҳажми оширилгани натижасида 70 нафар аҳоли иш билан банд қилинган. Жамият раҳбари Амирбек Бозоров дастлаб лойиҳанинг фаолияти қай тарзда йўлга қўйилгани ҳақида сўзлаб берди:

– Когон шаҳрининг Хўжа барги кўчаси ёқасида катта майдон бўларди. У бир неча йилдан буён бўш ва фойдаланилмай келинаётган эди. Бир неча йил илгари мана шу майдондан унумли фойдаланиш ва аҳоли учун ҳам аҳамиятли ишни бошлашни режа қилдик. Натижада

бўш ётган ернинг 5,9 гектарини ўз тасарруфимизга олдик. Қурилиш ишлари ва бошқа харажатлар учун “Қишлоқ-қурилишбанк” вилоят филиали 2 миллион АҚШ долларидан зиёд имтиёзли

ишни бошлашни режа қилдик. Натижада бўш ётган ернинг 5,9 гектарини ўз тасарруфимизга олдик. Қурилиш ишлари ва бошқа харажатлар учун “Қишлоқ-қурилишбанк” вилоят филиали 2 миллион АҚШ долларидан зиёд имтиёзли



Зулфизар Мавлонова

Каждый из нас для себя находит в слове “Родина” особый смысл. Для кого-то это место, где он родился, вырос, приобрел друзей; для другого - где понял своё предназначение в жизни, нашел себя и стал полезным обществу. Есть такие люди, которые защищают мир и покой своей Родины. Эти люди не просто защитники отечества, а герои, которые, не раздумывая, ценой своей жизни, защитят Родину от врага и опасности.

Моя Родина - Узбекистан. Я здесь родился, получил образование, меня окружают самые дорогие люди. Узбекистан - светское государство с великим будущим, которое славится своими обычаями и традициями, добрым, многонациональным и милосердным народом, который поможет в трудную минуту, поделится кровом и хлебом.

Мы, молодое поколение, пользуемся всеми благами и возможностями, которые предоставляет нам наша Родина. Родители и преподаватели старались вложить в нас как можно больше знаний, которые пригодятся нам в будущем, заложили в нас все те ценности, которые определяют хорошего человека. В жизни действует “закон бумеранга” - “что посеешь, то и пожнешь”. Нужно уметь не только брать, но и отдавать. Поэтому на нас возложена огромная ответственность - стать хорошими людьми, мастерами своего дела, быть полезными нашей Родине, внести свой вклад в развитие государства. А все те навыки и знания, которые мы приобретем в течение своего жизненного пути, мы должны вложить в следующее, более молодое и неопытное поколение.

Да, не всем в жизни суждено стать великим деятелем, актером или актрисой, космонавтом или знаменитым ученым, но ведь так много других очень интересных, а главное нужных и полезных профессий. Вот, например, врачи, без которых практически невозможно

существование! Эти люди - герои, потому что они вовремя принимают решение и спасают людей от страха

семья и, конечно же, его Родина. Но Родина становится бесценной, когда понимаешь, насколько она

## МОЯ РОДИНА - УЗБЕКИСТАН



наших болезней и от смерти. Или педагога, без которых ни мы, ни наши предки не стали бы грамотными и образованными!

Для того, чтобы стать достойными гражданами своей Родины, у нас есть все возможности. Главное - нужно развивать в себе активность, желание узнать что-либо новое и полезное, быть трудолюбивым, справедливым и честным.

В жизни каждого человека есть две самые ценные вещи - это его

тебе дорога!

Республика Узбекистан издавна была родным домом для своих граждан, но с обретением независимости у нее стало больше возможностей и сил дарить солнечные лучи своему народу, обеспечивая каждодневное спокойствие и беззаботное будущее. Благодаря тому, что наша Республика выбрала свой собственный путь развития, сегодня мы легко можем увидеть результаты той сложной работы,

проделанной нашим государством для процветания. Наша Республика стала независимой, и это словно открытие новой страницы в жизни каждого человека. Так много нужно было изменить и поменять, понять и узнать. Но наша страна не побоялась трудностей и, коренным образом изменив свою систему правления, четко поставила перед собой цели, оглядываясь назад только за мудрыми советами наших великих предков.

Будущее страны зависит от самого народа. Основу нашего народа составляет молодежь, поэтому это так важно - дать каждому хорошее образование и выпустить в свет специалистов со знаниями, которые помогли бы дальнейшему развитию нашей страны. Но чтоб это стало реальностью, необходимо иметь отличную систему образования, которую и создало наше государство. В Узбекистане более 1000 школ, 166 высших учебных заведений, также много различных колледжей и лицеев, которые ежегодно выпускают высококвалифицированных специалистов. Помимо наших ВУЗов в стране имеются и филиалы зарубежных (Вестминстерский университет, Сингапурский, МГУ, университет им. Плеханова, Туринский политехнический университет и другие).

Сотрудничество с другими странами в области образования дает Узбекистану большие возможности, например, возможность обмена студентами, благодаря чему происходит обмен культурой и знаниями.

Это повышает уровень образования в нашей стране и подтверждает слова: “Узбекистан - страна с ве-

ликим будущим”, так как будущее - это мы, молодежь с хорошим образованием.

Наша Родина священна как наш дом и семья, и дорога, потому что дает много возможностей и создает благоприятную почву для достижения наших целей. Так давай те же ценить каждый прожитый день в солнечном Узбекистане и помогать нашему правительству развивать все сферы деятельности быстрыми темпами. Ведь для истории двадцать шесть лет - не показатель, а для жизни - это целое поколение! Развитие государства зависит, в первую очередь, от самого народа, и что мы должны не только пользоваться дарами нашей Республики, но и отдавать ей взамен свою любовь!

Узбекистан - страна с многолетней историей, известная всему миру, как “жемчужина Востока”, дарящая теплые лучи солнца своему народу и когда-то открывшая Великий Шелковый Путь, великих мыслителей Востока (Аль-Хорезми, Аль-Бухари, Ибн Сино (Авиценна), Аль-Бируни, Амир Тимур, Алишер Навои, Бабур и многие другие), обладающая природными ресурсами, отличным климатом, позволяющим выращивать одни из самых лучших сортов хлопка в мире; страна с особенностями восточного менталитета и гостеприимностью. Узбекистан сегодня - это независимое, демократическое, светское государство, идущее быстрыми темпами по пути собственного развития и открывающее новые двери в путь мировых вершин! Так будем же достойными нашей Родины!

# Хато қилишга ҳақимиз йўқ!

## КЎРКНИ БУЗМАНГ!

Шаҳар кўчалари, йўлларида теварак-атроф кўркини бузиб, турли маиший чиқиндиларни (сигарета қолдиқлари, писта пўчоқлари, бўш бакалашкалар ва ҳоказо) кўриб, ўйланиб қоламан. Чиқиндиларни дуч келган жойга улоқтириб кетадиган бундай кимсалар, наҳотки, ўзлари ва ўз хатти-ҳаракатларига баҳо бера олишмайди?! Бу ҳаракатлари маданий тараққиётимиз йўлига ғов, десак хато бўлмас.

## МАЪНАВИЯТМИ, МОДДИЯТ?!

Таассуфки, ўқитувчилар орасида ҳам ўз касбига нолойиқлари учрамайди, дея олмаймиз. Олий таълим муассасаларида илм толибларига ҳар томонлама ўрнатқ бўлиб, уларнинг онгини бойитиш, маънавиятини юксалтириш ўрнида салбий кўринишларни (мактабда сотувчилик, таълимни – калтақда, деб билиш ва ҳоказо) тарғиб қилаётганлар ҳам топилади. Ахир ўқитувчиликдан мақсад – ёш авлодни мард, олийжаноб, азми қатъий, сергак, жисмонан ва маънан етук, эл-улус учун нафи тегадиган этиб тарбиялаб, камол топтириш эмасми?

## МУАММО БОР, ЕЧИМ ОЗ...

Айтиш жоизки, бугун ёш истеъдодларни излаб топиш учун қилинаётган амаллар диққатга сазовор. Аммо огрикди нуқталаримиз ҳақда ҳам тўхталмай иложимиз

йўқ. Сўнгги йилларда айрим нашриётлар томонидан мўмай даромадни кўлга киритиш илнжида дидни ўлдирадиган, савияси паст китобларнинг ҳам чоп этилиб келингани барчамизга маълум. Абдулла Ориповдан: “Нимадан ташвишдасиз?” – дея сўрашганда, шоир: “Яхши истеъдодлар сояда қолиб, адабиётимиз майдонини олғирлар эгаллаб кетмасмикин...” – деб жавоб берган эканлар. Ташвиш ўринли. Нега десангиз, мамлакатимизнинг чекка-чекка худудларида ийманиб юрган асл истеъдод эгалари минглаб топилади. Бу каби муаммоларга ҳам ечим топиш вақти келди, чамамда.

## ТАНҚИД ҚИЛМА, ТАКЛИФ ҚИЛ!

Яхши раҳбар ўз қўл остидаги ходимларига ҳам ахлоқан, ҳам ишда ташкилотчилиги ва шижоати билан намуна бўлиб таъсир кўрсатади ва эҳтиромга сазовор бўлади. Иш билмайдиган ва дангаса раҳбар эса қоғозбозлиги мажлисбозликдан нарига ўта олмайди. Ҳолбуки, раҳбар “Танқид қилма, таклиф қил” қабилида иш тутмоғи лозим. Ортиқча мажлисбозликлар ва қоғозбозликлар туфайли ўз устида ишлашга вақт ажратолмай, нолиб юрганларни кўп учратамиз.

Хулоса шуки, Ватанимиз тараққиёти, унинг эртанги уни учун барчамиз бирдай масъул эканмиз, хато қилишга, шунчаки, мазмунсиз ҳаёт кечиришга асло ҳақимиз йўқ!

## “ВУО” дан интервью бурчаги

Судлар ҳақида сўз борганда, биринчи навбатда кўз олдимизда минбарда ўтирган судья, унинг қаршисидаги қора курсида бош эгиб турган айбланувчи гавдаланади. Асли Суд нима, суд ва судья фаолиятидаги ўзгаришлар ва ўзига хос жиҳатлари қандай? Саволларимизга Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди раиси Нодир Ашууров жавоб беради.



## СУДЬЯ масъулияти: адолатли фаолиятда

- Суд нима?  
- “Суд” славянча сўздан олинган бўлиб, “иш”, деган маънони англатади. Суд муайян давлатнинг қонунларига асосан, процессуал тартибда жиноий, фуқаролик, маъмурий ва б. тоифадаги ишларни кўриб чиқади ва ҳал қилади.

- Ҳозирги ва илгариги судлар ўртасида фарқи кўрсата оласизми?

- Келинг-ки, ўн йилни қўйтурайлик, беш йил наридаги ҳолат қандай эди? Ҳозирги таққосланганда, ер билан осмонча фарқи бор, десак, бироз муболага бўлар, аммо, кейинги йилларда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ва ижтимоий муҳофазаси борасида тарихий ишлар амалга оширилгани айни ҳақиқат.

- Кейинги пайтларда айрим судьялар ҳақида ҳам турли гап-сўзлар кўпаймоқда...

- Судья ўзи қабул қилган суд ҳужжати қонунийлигига таъсир кўрсатмайдиган бошқа сабаб кўра, масалан, Судьялик одоби кодекси талабларини бузгани ёки ишни ташкил этишда муайян камчиликларга йўл қўйгани боис, интизомий жазога тортилган бўлиши мумкин. Ижтимоий тармоқлардаги бир томонлама талқинлар эса



айрим судьялар ҳақида нотўғри тасавурлар пайдо бўлиши эҳтимолини юзага келтириши эътибордан шу ўринда айрим журналист ва блогерларни ҳам холисликка чақириб фойдадан холи бўлмас эди.

- Судьялар очик ахборот бериш тизимига ўтишаётганидан мақсад?

- Очик ахборот беришдан мақсад тизимда очиклик ва шаффофликни таъминлашдан ташқари, судьяларнинг масъулиятини янада ошириш мақсади ҳам бор.

- Суд фаолияти мақсади-чи?

- Суднинг фаолияти мақсади – қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқароларнинг тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган.

- Судьянинг масъулият ва шарафи нимада?

- Суддаги адолат судьянинг қонуний, асосли ва адолатли қарорига боғлиқ. Бироқ, суддаги том маънодаги адолат шу билангина чекланмайди. Суд ишларини вақтида кўриш, одамларни ортиқча овора қилмаслик, суд қарорини ўз фурсатида ижрога қаратиш каби масалалар замирида ҳам ижтимоий адолат омиллари фикр айтиш мумкин. Чунки, инсонларга бугун адолат керак. Кечиккан адолатнинг ҳам маънавий, ҳам моддий товони бор. Судьянинг олий мақомига яраша ижтимоий муҳофазаси, таъминотини таъминлаб қўйилган экан, машаққатларни мардона энгиши лозим. Судьяликнинг масъулияти ҳам, шарафи ҳам шунда, аслида.

Зулфизар сўхбатлашди.

## Қилмиш қидирмиш

Маълум бўлишича, Қорақўл туманилик аёл Г.Ж. “Шакарбек” маҳалласида яшовчи Х.Х. ҳамда Б.Р.ларнинг ишқий муносабатда бўлишлари учун ўз яшаш хонадониди шароит яратиб берган.



Ҳолатга кўра, ҳар учала шахс туман марказидаги чойхоналардан бирида овқатланишган. Фуқаро Б.Р. бир йилдан буён яқин муносабатда бўлиб келган маъшуқаси Х.Х. билан хилват жойда учрашиши кераклигини ва бунинг учун Г.Ж.дан ўз хонадониди шароит яратиб беришини сўраган. Г.Ж. бу таклифни ҳеч қаршиликсиз қабул қилган ва уларни ўз

яшаш хонадонига олиб борган. Орадан бир соатча вақт ўтгач, Г.Ж.нинг хонадонига ички ишлар ходимлари етиб келишган ва ҳолат расмийлаштирилган. Г.Ж.нинг ўз “хизмати” эвазига Б.Р.дан 250 минг сўм олгани аниқланган. Тергов жараёнида Г.Ж. шу турдаги бошқа “учрашув”ларга ҳам алоқадорлиги ўрганилган. “Автоавария туфайли

ўта оғир жароҳат олганман. Танам жароҳатланган, бир оёғим кесиб ташланган. Даволанишим керак. Ҳақиқатан ҳам пулга муҳтожман ва шунинг ортидан пул топмоқчи бўлдим”, – дея айбига иқроқлик билдирган Г.Ж.

Маълум бўлишича, Г.Ж.нинг хонадонига икки нафар бегона: бир аёл ва бир эркекнинг кириб келиши кўшниларда шубҳа уйғотган ва бу ҳақда ички ишлар органларига мурожаат келиб тушган бўлган.

Г.Ж. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 131-моддаси (Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш) 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли, деб топилган. Унга шу модда билан бир йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Дилмурод Қулриев,  
Жиноят ишлари бўйича  
Қорақўл тумани суди  
судьяси.

Жаҳон миқёсида террорчилик ташкилотлари ва бузғунчи кучлар мавжуд бўлиб, уларнинг террорчилик ҳаракатлари почта жўнатмалари орқали ҳам амалга оширилаётгани кузатилмоқда. Жумладан, почта жўнатмалари орқали гиёҳвандлик моддалари, ҳар хил касаллик тарқатувчи воситаларни йўллаш ҳолатлари юзага келган.



## ПОЧТА ХАВФСИЗЛИК талабларига амал қилайлик

Барчамизга маълумки, почта жўнатмалари орқали портловчи ёки заҳарловчи, гиёҳвандлик моддаларининг йўлланиши биринчи навбатда почта ходимлари учун, иккинчи навбатда почта жўнатмасини олувчилар ҳамда атрофдаги инсонлар ҳаёти, соғлиги, атроф-муҳит хавфсизлиги учун жуда катта хавф келтириб чиқаради.

Шу боис, террорчилик ҳаракатлари ва бошқа жиноятларни амалга оширишда почта алоқасидан фойдаланишнинг олдини олиш чоралари кўришмоқда.

Шу нуқтайи назардан, “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари”нинг 3-илоvasи билан жўнатилиши таъқиқланган ва чекланган предметлар, моддалар рўйхати тасдиқланган: ўқотар, сигналли, пневматик, газли қуроллар, ўқ-дорилар, гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари, психотроп моддалар почта ходимлари ёки оддий аҳоли

учун хавф туғдириши мумкин бўлган предметлар ва бошқа жўнатмалар.

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари барча почта алоқаси хизматларини кўрсатиш босқичларида хавфсизлик бўйича талабларни амалга ошириш ва уларга риоя қилишга мажбурдирлар.


Ахборот коммуникация технологиялари соҳаси ривожини йўлида қонун устуворлигини таъминлаш, қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишига эришиш, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда барча соҳаларда инклюзив ўсишни жадаллаштиришга хизмат қилади.

Феруза Болтаева,  
Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекциясининг Бухоро вилояти ҳудудий шўъбаси бош мутахассиси.



# “БЕШ ТАШАББУС” жозибаси суратларда

“Беш ташаббус” доирасида ўтказилаётган лойиҳаларни кузатар экансиз, ҳар бир йўналиши ўзига хос жозибаси, нафосати, ўрни келганда, қалтис вазиятларга тўлалиги билан ажралиб туради. Айниқса, лойиҳалар жараёнидаги вазиятларни суратга олаётганингизда, ёшларнинг шижоати, ғайрат ва ҳайрати, жароҳат олган вақтда ҳам ўрнидан дадил туриб, ғалаба сари интилишини кўриб, завққа тўласиз. Айни кунларда ҳам барча маҳаллаларда “Беш ташаббус” лойиҳалари давом этмоқда. Суратларда бетакрор тасвирлар намоён.



**MUASSIS :**  
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
YOSHLAR ISHLARI  
AGENTLIGINING BUXORO  
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI  
BOSHQARMASI

**Bosh muharrir :**  
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan  
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro‘yxatga olingan.

**BOSH HAMKOR:**  
O‘zbekiston yoshlar ittifoqi  
Buxoro viloyati Kengashi

**TAHRIR HAY‘ATI:**  
Shavkat Rahmonov  
Mirali Hamroyev  
Jamol Nosirov  
Gulnora Samiyeva  
Mirshod Ochilov

**TAHRIRIYAT MANZILI:**  
Buxoro shahri, Alisher Navoiy  
ko‘chasi, 20-uy.

**TAHRIRIYAT HISOB-RAQAMI:**  
20210000404114165001 “Agrobank”  
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:  
87100, STIR: 203590296  
Nashr ko‘rsatkichi: 3051

ISSN 2181-6557



**SAHIFALOVCHI -  
DIZAYNER:**  
Xurshid Abdullayev

Gazeta “Buxoro bosmaxonasi” MCHJda  
1507 nusxada bosildi.

**Bosmaxona manzili:**  
Buxoro shahri, I. Mo‘minov ko‘chasi, 27-uy  
Tel: (0365)223-25-38

**Navbatchi muharrirlar:**  
Zulfizar Mavlonova  
Dilnavoz To‘xtayeva

Hajmi 2 bosma taboq. Qo‘g‘oz bichimi A-3. -buyurtma.  
Topshirildi — 10:00. Chop etish vaqti: 11:00  
Bahosi kelishilgan narxda 28.08.2024 yil

[www.buxoro-yoshlari.uz](http://www.buxoro-yoshlari.uz) sayti orqali biz bilan birga buling.